

ЁШЛАРГА ОИД СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ

Таджидинов Искандар Баходир ўғли

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш
институтини бўлим бошлиғи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7183905>

Маълумки, жамиятнинг асосий соҳаларини бошқариш мақсадида давлатнинг асосий институтлари орқали маъмурий таъсир кўрсатиш жараёни давлат сиёсати бўлиб, бу кўп давлатларда иқтисодий, ижтимоий соҳалар, миллий масалаларда ва шаклларда амалга оширилади. Ана шундай муҳим соҳалардан бири, жамиятнинг эртанги кунини белгилаб берувчи муҳим ижтимоий демографик гуруҳ – ёшлар қатлами билан иш олиб боришда ҳам аксарият давлатлар алоҳида сиёсат ишлаб чиқадилар. Давлатларнинг келиб чиқиши, ривожланиш анъаналари, жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда, ёшларга оид давлат сиёсати турли кўринишларда, фарқланувчи тизимлар орқали амалга оширилади. Хорижий давлатларда мавжуд тизимларни таркибий тузилиши ва ўзига хос жиҳатларига асосан таснифлаш мумкин. Хусусан, тузилмавий ёндашувга кўра, турли давлатларда амалга оширилиб келинаётган ёшларга оид давлат сиёсати ва уни ривожланиш механизмларини шартли равишда учта гуруҳга ажратиш мумкин:

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда нодавлат сектор фаолиятига асосий эътибор бериладиган давлатлар;

давлат бошқаруви органлари кўмагида ташкил этилган соҳавий, коллегиял ва бошқа институционал тузилмалар (Кенгаш, Комиссия ва бошқ.) орқали ёшлар сиёсати амалга ошириладиган давлатлар;

алоҳида тузилмавий давлат органлари орқали ёшлар сиёсати амалга ошириладиган давлатлар.

Буларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқадиغان бўлсак, **биринчи гуруҳ давлатларида** ёшлар соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш, ўсиб келаётган ёш авлод билан бевосита ишлашда ўзининг институционал тузилмаларидан эмас, балки жамоат ташкилотлари фаолиятини кенг рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ёки турли даражадаги қатор лойиҳаларни амалга ошириш орқали самарали тизим яратилганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу чоралар фаровон ва очиқ демократик жамиятни шакллантиришга йўналтирилган умумий сиёсатнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, ижтимоий жипсликка асосланган ва ҳар бир фуқарога таълим

олиш, бандлик ва ижтимоий таъминотга эга бўлиш учун тенг имкониятлар яратиш орқали ёшларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш учун асос ҳисобланади.

АҚШ, Германия, Мексика ва Беларусь каби давлатларининг ёшларга оид сиёсатида асосий пойдеворлардан ташқари турли ёшлар дастурларини амалга ошириш орқали фаол ёшларни тарбиялаш, ёшлар форумларида иштирок этиш ғояларига устуворлик берилишини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда **Америка Қўшма Штатларида** ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг асосий шакли ёшлар билан ишлашдир. Айнан Қўшма Штатларда ижтимоий иш (жумладан, ижтимоий ва ёшлар иши) алоҳида касбий фаолият мақомига эга бўлди. АҚШда ёшлар билан ишлашнинг янги усули таклиф қилиниб, унга кўра йирик шаҳарлар ва ёшлар гуруҳлари йиғиладиган жойларда “мобил ижтимоий иш” тизими йўлга қўйилди [1]. Ёшлар билан ижтимоий иш давлат ва нодавлат ёшларни қўллаб-қувватлаш дастурлари орқали амалга оширилади, улар доирасида турли хил ижтимоий хизматлар Федерал ёки штатлар қонунчилиги асосида ишлаб чиқилган дастурлар орқали кўрсатилади. Хусусан, Америка ижтимоий ишчилар ассоциацияси маълумотларига кўра, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларга 1 313 турдаги ёрдамлар кўрсатилади [2].

АҚШда ёшлар ташкилотлари тижорат ва нотижорат ташкилотлари кўринишида бўлиб, улар бирор-бир ҳукумат тузилмасига кирмайди ва мустақил равишда ёшлар соҳасида фаолият юритади. Шунингдек, уларнинг бир қисми давлат қўллаб-қувватлови (масалан, ёшлар ва болалар Миллий қўмитаси, ёшлар тараққиёти Форуми) орқали ўз фаолиятини олиб бориб, асосан таҳлилий фаолият ва тадқиқот ишлари билан шуғулланади.

Беларусь Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари мустақилликнинг дастлабки йилларидан яратила бошлаган. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда Беларус Республикаси Конституцияси, “Беларусь Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг бошланиши тўғрисида”ги қонунлари асос бўлиб хизмат қилади [3]. Натижада, мамлакатда ёшларнинг таълим олиши, бандлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Ёшлар сиёсатининг устувор йўналиши сифатида Республика уларнинг бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Беларус Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2017 йилда иш билан банд аҳолининг 26,1% ни 16-30 ёшлилар ташкил этган [4].

Беларусь Республикаси Президентининг Администрацияси қошидаги ахборот-таҳлил Маркази томонидан ёшлар ўртасида ўтказилган сўровномага кўра, беларуслик ёшларнинг ижтимоий статусини белгилайдиган, асосий омил уларнинг юқори ҳақ тўланадиган ишда фаолият олиб бориши ҳамда шахсий уй-жойга эгалиги билан изоҳланган (респондентларнинг 63% шу фикрни билдирган)[5].

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш масаласида қўшимча кафолатлар жорий этилган, хусусан,

давлат гранти асосида ўқиб чиққан ёшларнинг биринчи иш жойи тўлиқ кафолатланади;

иш излаб юрган 21 ёшгача бўлган ёшлар учун иш ўринлари захираси шакллантирилган;

амалий иш тажрибасига эга бўлмаган ёшларнинг янги ишга кирганда мазкур йўналишда тажриба орттириши учун давлат томонидан субсидия (яъни иш ўрганишга кетган вақт учун давлат бюджетидан маблағ) берилади;

меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўналиши бўйича ўқувларни ташкил этадиган ташкилотларга устувор ҳуқуқлар, имтиёзлар берилади.

Бундан ташқари, ёш мутахассисларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши учун бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилган, жумладан:

ойлик маошга 10% дан 50% гача оширилган ставкаларда ҳақ тўлаш тартиби ишлаб чиқилган (бунда бир қатор омиллар – маълумоти, иш тажрибаси, ОТМда олган аъло баҳолари ойликни юқори ставкаларда олишига таъсир кўрсатади);

2 йил давомида ойликка қўшимча тарзда биринчи разряд ставкаси бўйича 34 рубль қўшиб берилади. Бунда маълум бир йўлланмалар билан юборилган педагог ходимларга агар меҳнат шартномаси 2 йилдан ошса яна 1 йил мазкур имтиёз амал қилиши белгиланган.

Беларусь Республикаси Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, 2018 йил 1 январь ҳолатида 2856 та жамоат бирлашмалари рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 338 таси ёшлар (шу жумладан 27 таси болалар) нодавлат нотижорат ташкилотларидир[6].

Беларусь Республикаси Ёшлар Иттифоқи (БРЁИ) ёшлар орасида энг нуфузли бирлашмалардан ҳисобланиб, мамлакат йигит-қизларининг 20% (500 минга яқин)ни ўзида бирлаштирган. 2017 йилда давлат органлари тузилмаларида БРЁИнинг 1786 нафар истиқболли ёшлари кадрлар

захирасига киритилган ҳамда 517 нафари турли лавозимларга ишга қабул қилинган [7].

Бошқарув органлари кўмагида ташкил этилган соҳавий, коллегиал ва бошқа институционал тузилмалар орқали ёшлар сиёсати амалга ошириладиган **иккинчи гуруҳ давлатларда** ёшлар сиёсати борасидаги ишларни олиб боришда соҳага масъул субъектлар фаолиятини муайян тузилмалар доирасида уйғунлаштириш орқали амалга ошириш тажрибаси кенг қўлланилади.

Бунда, вакиллик органлари аъзолари ва нодавлат ташкилотлари вакилларида иборат Кенгашлар, вазирлик, ташкилотлар таркибидаги бўлинма ва улар ҳузуридаги тузилмалар барча ёшлар соҳасида фаолият юритувчи ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳамкорлиги ва ривожланишида яқиндан кўмаклашади. Бундай давлатларга мисол сифатида Аргентина, Бразилия, Хитой, Япония, Сингапур, Тайланд, Бирлашган Араб Амирлиги, Швейцария, Финляндия давлатларини мисол қилиш мумкин.

Хусусан, **Бирлашган Араб Амирлигида** ёшларга оид давлат сиёсатини юритишда аниқ ҳуқуқий асослар мавжуд эмаслигига қарамай, соҳа бўйича тадбиқ этиб келинаётган лойиҳалар ва дастурлар натижасида ижобий натижаларга эришилмоқда [8].

Хусусан, Амирликда ёшлар бўйича ислохотларни олиб боришда Ёшлар ва спортни қўллаб-қувватлаш жамияти олий орган ҳисобланади. Ушбу жамият ёшларни бўш вақтларидан мазмунли фойдаланиш, ижодий кўникмаларни такомиллаштириш, миллий ўзига хослик тамойилларини чуқурлаштириш, садоқат ва ихтиёрий касб танлашга тарбиялаш каби мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Бундан ташқари, жамият ёшлар ўртасида турли сўровлар ўтказиб, уларнинг эҳтиёжлари асосида ёшлар учун қатор вазифаларни бажариб келади.

Мамлакат конституцияси ва шариат қонунларига кўра, ҳар бир амирлик ўз ички сиёсатини мустақил олиб боради. Ёшларга оид сиёсат асосан Абу-Даби, Дўбай ва Шаржа каби йирик амирликларда олиб борилади.

Мамлакатда 11 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролар ёшлар категорияси ҳисобланиб, фуқароларнинг 52% (535 минг) ташкил этади. 25 ёшга тўлган фуқаро сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга [9].

2016 йил ҳукумат қайта шакллантирилганидан сўнг, Амирлик Ёшлар Кенгаши ташкил этилди. Кенгаш ёшлар масалалари бўйича ҳукуматнинг келажакдаги ривожланиш тенденцияларига мос келадиган стратегияни ишлаб чиқди. Унга мувофиқ ёшларнинг ғоялари ва интилишларини рўёбга

чиқаришда яхши муҳит яратиш ҳамда мамлакатни ривожлантириш жараёнида ёшлар муҳим рол ўйнашига ёрдам беришни ўз зиммасига олди. Жумладан, Ёшлар Кенгаши 4 та йирик кенгашлардан таркиб топган бўлиб, уларнинг ваколатлари белгилаб берилди [10].

Хусусан, “Маҳаллий ёшлар Кенгаши” – 7 та амирликдаги ёшларни бирлаштириш ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасини бажаради.

“Федерал ёшлар Кенгаши” – Амирликдаги ёшларга оид муаммоларни ўрганади ва бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

“Корпоратив ёшлар Кенгаши” – мамлакатнинг хусусий ва давлат секторида ёшлар учун бўш иш ўринларини яратади ва бандлигини таъминлайди.

“Глобал ёшлар Кенгаши” – Амирликнинг хорижда ўқиётган ёшларига шароит яратиб беради, миллий қадриятлар руҳида тарбиялайди ва БААнинг чет элдаги дипломатик корпусларида ишлашлари учун жалб этади.

Бундан ташқари, 2018 йилда Амирликда “Федерал ёшлар ташкилоти” тузилган бўлиб, бутун мамлакат бўйлаб ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга имкониятлар яратиш бўйича Ҳукуматга дастур ва лойиҳалар тақдим этадиган бўлди [11].

Япониянинг ёшлар билан иш олиб борадиган муҳим институтларидан бири – бу 1951 йилда тузилган Ёшлар ташкилотлари Миллий Кенгаши (Миллий Кенгаш) бўлиб, у умуммиллий ёшлар ташкилотларини бирлаштиради.

Миллий Кенгашнинг мақсади Япониянинг барча ёшлар соҳасида фаолият юритувчи ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳамкорлиги ва ривожланишида кўмаклашишдир.

Бугунги кунда Миллий Кенгаш 24 ташкилотни бирлаштириб, ёшларга оид сиёсатни самарадорлиги, ушбу йўналишда ислохотларни олиб боришда салмоқли улуш қўшиб келмоқда. 1966 йилдан Японияда Федерал, ҳудудий ва маҳаллий даражада ёшларни ривожлантириш Миллий ассамблеяси (Миллий ассамблея) фаолият олиб боради. Миллий ассамблея ўз таркибига умуммиллий ташкилотлардан ташқари ҳайрия жамғармалари ва экспертларни қамраб олиб, шу орқали мамлакат ёшларининг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлайди.

Миллий ассамблея – ижтимоий бошқарув, ички ишлар, почта ва телекоммунациялар вазирлиги ёрдамида ёшлар учун миллий миқёсда махсус тадбирлар ташкил этиш мақсадида ташкил этилган.

Миллий ассамблея таркибига умуммиллий ёшлар ташкилотлари, ҳомий ташкилотлар ва экспертлар киради. Кейинроқ эса ҳудудий ва муниципал миқёсларда ёшларни ривожлантириш ассамблеялари тузилган.

Япония ҳукумати ёшларга оид сиёсатини амалга ошириш учун тўртта дастурни белгилаб олган [12].

Биринчи дастур. Миллий ҳаракат. Мазкур дастур ўзининг бутун саъй-ҳаракатини Японияда мавжуд бўлган Ассамблея фаолиятини яхшилаш ва қўллаб-қувватлашга йўналтиради.

Иккинчи дастур. Ҳаёт йўли ва карьерани танлашга кўмак бериш.

Дастур 2007 йилда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Ўсмирларга феъл-атворнинг турли қирраларини кашф қилиш, ўз ҳаётий йўллариини танлаш, муваффақиятли бўлиш ва келажакда касб танлашларига ёрдам берадиган турли тренинг ва консультациялар ўтказилади. Мазкур дастурни амалга оширадиган Кенгаш ташкил этилган бўлиб, у маданият, таълим ва фан вазирлиги, Ижтимоий фаровонлик ва соғлиқни сақлаш вазирлиги, Саноат ва иқтисодиёт вазирликлари вакилларида ташкил топган.

Кенгашнинг вазифаларига дастурни амалга ошириш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш киради.

Учинчи дастур. Ўсмирлар жиноятчилигига нисбатан кўриладиган чоратадбирлар. Мазкур дастур махсус Тармоқлараро Кенгаш томонидан амалга оширилади, унга балоғатга етмаганлар жиноятчилиги билан шуғулланадиган давлат идоралари киради. Унинг вазифаларига ўсмирлар жиноятчилиги билан курашишда ҳукуматга ёрдам бериш ҳамда ўсмирлар ва ёшларнинг оғма хулқ-атворининг ўрганишга қаратилган марказларга кўмаклашиш киради.

Тўртинчи дастур. ОИТС/ОИВ билан курашиш.

Дастур эрта ҳомиладорлик, ёш қизларнинг аборти, жинсий ҳаётнинг барвақт бошланиши ва ҳимоясиз жинсий алоқа сингари муаммоларни қамраб олади. Дастур доирасида ёшларга ўлимга олиб бориши мумкин бўлган касалликлар тўғрисида кўпроқ маълумот олиш ва улардан ўзларини ҳимоя қилишга имкон берадиган маслаҳатлар берилади ва тадбирлар ўтказилади.

Учинчи гуруҳ давлатлари тегишли вазирлик ва ташкилотлар томонидан ёшлар сиёсати амалга ошириладиган Франция, Туркия. Жазоир, Либерия каби давлатлардир.

Ушбу давлатларда ёшлар сиёсатини амалга оширишда турли ташкилий шаклга эга бўлган тузилмалар ва ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг мавжудлиги рақобатни келтириб чиқариб, ушбу ҳолат

Ўз навбатида ёшлар масаласида белгиланган ишлар сифатини оширади ва юклатилган вазифаларнинг самарали ижро этилишига эришилади. Ўрганишларга кўра, ёшлар давлат тузилмаларига қараганда нодавлат ташкилий тузилмага эга бўлган ташкилотларга нисбатан кўпроқ хайрихоҳлик билдириши тенденцияси кузатилмоқда.

Хусусан, аҳолисининг 30% дан ортиқ қисмини (15 дан 26 ёшгача) – ёшлар ташкил этадиган **Францияда** Ёшлар, спорт ва жамоат ташкилотлари вазирлиги ёшлар сиёсатини белгилаб беради. Вазирликнинг жойларда ёшлар сиёсатини амалга ошириш учун жавобгар бўлган ҳудудий (вилоят) ва туман бошқармалари мавжуд.

Ҳозирги кунда, республика даражасида “Projet M” давлат дастури амалиётга қўлланилмоқда. Мазкур дастур асосида, ҳар йили 15 – 20 мингга яқин лойиҳалар амалга оширилмоқда [13].

Туркияда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи ҳужжат “Ёшлар ва спорт сиёсати тўғрисидаги миллий ҳужжат” (Ulusal gençlik ve spor politikasi belgesi) бўлиб, унга асосан 14-29 ёшлилар ёшлар категорияси сифатида қаралади. Шунингдек, мазкур ҳужжатга асосан Ёшлар ва спорт вазирлиги мамлакатда ёшлар сиёсатини амалга оширувчи давлат ташкилоти эканлиги белгилаб қўйилган [14].

Мамлакатда ёшларга оид сиёсатнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ёшларнинг эҳтиёжлари ва муаммоларини аниқлаш;
- Ёшлар билан ишлайдиган ташкилот ва муассасаларни аниқлаш, улар билан ҳамкорликни таъминлаш;
- Ёшлар сиёсати соҳасида фаолият юритадиган нодавлат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш;
- Ёшларнинг ривожланиши учун ресурсларни тўғри йўналтириш;
- Ёшларнинг шахсий ва ижтимоий ривожланишини қўллаб-қувватлаш;
- Ёшларда фуқаролик масъулиятини ошириш;
- Ёшларнинг ўз иқтидори ва имкониятларини намоён қилиши учун кўмаклашиш.

Туркия Ёшлар сиёсатининг устувор йўналиши сифатида уларнинг бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратади.

Туркияда иқтидорли ёшларни рағбатлантиришга қаратилган кўплаб лойиҳалар – Туркия ёшлар мукофоти (Türkiye Gençlik Ödülleri) туркиялик иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида ҳар йили 44 та йўналиш бўйича жами 440 нафар истеъдодли ёшлар бош мукофот билан тақдирланади.

Бир сўз билан айтганда юқорида келтирилган мамлакатларда олиб бориладиган ёшларга оид сиёсат мазкур ҳудудларда мавжуд сиёсий режим ва жамиятдаги қадриятларга асосланган ҳолда турлича характер ва шакллardan иборат бўлган ҳолда, алоҳида ёндашув ва технологияларга асосан барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида олиб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Социально-молодежная работа: международный опыт / Госкомитет РФ по делам молодежи; Ин-т молодежи; Центр образования молодежи “Демократия и развитие”. – М., 1997. С. - 118.
2. Зеленин А. А. “Национальная модель реализации молодежной политики в Соединенных Штатах Америки”. Кемер. гос. университет. – 2009. - №4. С. – 12.
3. https://www.youthpolicy.org/national/Belarus_2011_Youth_Policy_Briefing.pdf
4. https://www.belstat.gov.by/o-belstate_2/
5. Исследование: Каковы основные проблемы белорусской молодежи? - <https://thinktanks.by/publication/2019/12/06/issledovanie-kakovy-osnovnye-problemy-belorusskoy-molodezhi.html>
6. https://minjust.gov.by/directions/compare_coverage/
7. <https://www.belta.by/society/view/brsm-trudoustroil-v-studotrjadah-okolo-22-tys-chelovek-455613-2021/>
8. <http://www.mcygd.gov.ae/>
9. <https://www.youthpolicy.org/factsheets/country/united-arab-emirates/>
10. <http://www.mcygd.gov.ae>
11. <https://gulfbusiness.com/uae-cabinet-approves-formation-federal-youth-authority/>
12. https://www8.cao.go.jp/youth/suisin/taikou_201212/pdf/taikou_e.pdf
13. <https://www.jeunes.gouv.fr>
14. <https://gsb.gov.tr/anasayfa.html>